

THE IMPORTANCE OF A TEACHER'S CULTURE OF COMMUNICATION AND COMMUNICATION IN THE LEARNING PROCESS

Usarov Jabbor Eshbekovich

teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region, Ph.D., j.usarov@cspi.uz

Begmatova N S

Tashkent region, Chirchik State Pedagogical Institute, special part-time department of pedagogy and psychology, student of group 18/1

ABSTRACT

In the article the importance of the teacher in the educational process of the circulation of the communication and culture in the system of pedagogical education and spiritual communication spiritual formation of the pharynx that may increase the required on the basics of social-psychological and educational, spiritual, communicative activities, think about the requirements of the task remain.

Keywords: teacher, student, communication, culture, to treat socio-pedagogical environment, perceptive, education, activity, system.

Кириш. Ўқитувчи касбий фаолиятида мулоқот маданиятини шакл- лантириш муаммоси инсоний жамиятнинг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Ўқитувчи касбий фаолиятида мулоқот маданиятини шаклантириш муаммоси кишилиқ жамиятининг эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади. Шу боисдан ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да касб танлаш мотивлари, касбий тайёргарлик, касбий лаёқат ва касбий маҳорат билан чекланиб қолмасликни, балки бўлғуси педагог кадрлар шахсий фаолиятида касбий маданиятни таркиб топтириш мутлақо зарур эканлиги таъкидланади. Республикада ўқитувчилик касбининг ўзига хос этнопсихологик фазилатлари, ҳислатлари, қобилиятлари, иш услублари, педагогик маҳорат сирларини эгаллаш йўллари, шахслараро мулоқот маданияти юзасидан турли даврларда ҳар хил илмий изланишлар олиб борилган.

Мавзу бўйича бошқа олимлар илмий асарлари қисқача таҳлили.

Педагог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича, дарс давомида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг психологик жиҳатдан бир-бирларига мослаша олмаслигининг 25 дан 150 гача бўлган турли ҳолатлари юзага келади. Булар онгли назорат қилинмайди, демак, ўқитувчи томонидан бу ҳолатга нисбатан маълум бир мақсад белгиланмайди. Аксинча, тўғри топилган ва дарсда амалга оширилган мулоқот тизими ўқувчиларни фаоллаштиради, ўқув фаолиятига қизғин иштирок этишга интилишини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ўқув фаолиятининг ижтимоий-психологик томони таълимни оптималлаштиришнинг амалий захираси саналади. Баъзан таълимнинг янги методларини эмас, балки мавжуд бўлган методикасининг ишончли ижтимоий-психологик таъминотини излаш керак бўлади.[6]

Педагогик мулоқотнинг долзарблиги психолог ва педагог олимлар Л.С.Виготский, А.Л.Леонтев, Э.Ғозиев, С.Ахроров ва бошқаларнинг мазкур мавзуга доир ўқитувчи ва ўқувчи



ҳамкорлик фаолиятида юз берувчи зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабларига бўлган доимий қизиқишлари, уларни бартараф этишга доир самарали усулларни излаб топишга бўлган саъи-ҳаракатлари билан изоҳланади.[3]

Ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш долзарб ва устувор вазифалардан бири. Ҳозирги кунда республикамызда амалга ошириляётган ислохотларнинг ривожии ёшларнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоний ўзаро муносабатларда демократик тамойилларнинг теран тафаккур этишни тақозо этади.

Республикамызда ўқитувчилик касби вакилларининг ўзига хос этнопсихологик фазилятлари, хислатлари, қобилиятлари иш услублари, педагогик маҳорат сирларини эгаллаш йўллари, шахслараро мулоқот маданияти юзасидан турли даврларда турли илмий изланишлар олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўқувчилар билан олиб борадиган мулоқоти муҳим таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Бу педагогик мулоқотнинг бутун тизимида унинг маънавий мазмундорлигини оширишни талаб этади, зеро айнан педагогик мулоқот таълим-тарбиянинг маънавий асосларини шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий-психологик, тарбиявий ва маънавий вазифаларнинг мурак-каблиги ўқитувчининг коммуникатив фаолиятига юксак талабларни қўяди. Ўқитувчи касбий фаолиятида юксак педагогик ва психологик натижаларга эришиши учун кўп йиллик назарий ва амалий тажрибалар асосида тадқиқотчи олимлар томонидан тақлиф этилган мулоқотнинг айрим йўналишларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Психология луғатида мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилади:

1. Мулоқот — ҳамкорликдаги фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни;
2. Мулоқот — белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви.

Мулоқот — одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив (ўзаро алоқага доир) жиҳати ҳисобга олинади. Мулоқот тушунчасини коммуникациядан фарқлаш керак.

Коммуникация—тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши — буларнинг барчаси коммуникация. Мулоқот эса фақат инсонлар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда ва бўлиш жараёнида шахсга айланиб боради, ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Мулоқот ижтимоий фаолиятнинг онтогенезда (индивидуал ривожланиш йўли) пайдо бўладиган биринчи туридир. Фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, фаолият ва мулоқот ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқот — шахслараро муносабатларнинг асосий кўриниши бўлиб, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, тушунадилар. Шунинг учун мулоқот ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмотсионал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади.

Инсонда юзага келадиган ҳар хил эҳтиёжлари мақсадга мувофиқ равишда қондириш мулоқот маромига боғлиқ бўлиб, шахслараро муносабат баркамол авлод, комил инсон ғоялари қарор топишига хизмат қилади. Мулоқот муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжлари мотивацияси, характер хислати, индивидуал-типологик хусусияти, қобилияти, эътиқоди каби фазилатлар, сифатлар намоён бўлиши, ривожланиши ҳисобланади.

Мулоқот ташқи ижобий таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини рўёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди. Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиш уқувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳиятига бошқа одамлар ҳам тақлид қилади ва ҳаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайритабиий ижтимоий ҳолат ёки ҳодисага онгли таяниш ўзини-ўзи мукаммаллаштириш, рўёбга чиқариш, бошқариш, баҳолаш, ўзига-ўзи буйруқ бериш шахснинг руҳий дунёсида муҳим камолот босқичидир. Шунинг учун ички ва ташқи тақлидни тушуниш ҳамда босқичма-босқич эгаллаб бориш — бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир.

Мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби — ўзини-ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан, қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самара беради:

- 1) ҳамкорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш;
- 2) мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай мавқеини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;
- 3) инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни эгаллашига оид махсус машғулотларни уюштириш.
- 4) шахслараро муносабатлар ва мулоқот усулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, тренинг тизимини яратиш.

Ҳар бир ўқитувчи учун ўқувчиларга тўғри, омилкор ахборот узатиш ва унга суҳбатдошини ишонтира олиши касбий зарурият ҳисобланади. Бунда ўқитувчининг мулоқот маданияти, маънавий оламнинг кенглиги муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг педагогик фаолияти узлуксиздир, шу сабабли у мулоқот маданиятини ҳам мунтазам шакллантириб боришида қуйидаги йўналишларга эътибор бериши лозим:

1. Юксак педагогик фаолият нуқтаи назаридан ўз-ўзини англаши, (муомалада ўзининг ўзаро фикр алмашишга доир сифатларини, ижобий ва заиф томонларини билиши) ва шу асосда ўзаро фикр алмашиш йўли билан ўз-ўзини тарбиялаши.
2. Кишилар билан ўзаро муносабатда коммуникатив иқтидорини шакллантириб бориши, мулоқот асосида тўғри башорат қилиш сезгиларини машқ қилдириши, мулоқотда ўзининг идеал тасаввурларини, имкониятларини бошқалар (ўқитувчилар жамоаси, ўқувчилар, ота-оналар) қандай баҳолаши ҳақидаги рефлексив тасаввурларини таҳлил қилиши.
3. Ўзида муошарат одобининг муҳим хусусиятларини ривожлантириш юзасидан ихтисослаштирилган машқлар асосида ишлаши.



4. Ўқувчилар ва ота-оналар билан тарбиявий максадларга қаратилган турли жамоат ишларини олиб бориши, бунда ўзаро фикр алмашиш асосида педагогик ташкилотчилик қобилятини такомиллаштириб бориши.

5. Мулоқот жараёнида пайдо бўладиган салбий ҳолатларни енгиш кўникмаларини шакллантириши, дилкашлик ва хушмуомалаликни ривожлантирадиган вазиятлар тизимини яратиши.[1]

Ўқитувчи мулоқот маданияти асосида фаолият олиб борган тақдирда ҳам, ўқувчилар жамоаси орасида турли тушунмовчиликлар, зиддиятлар пайдо бўлиши табиий ҳол. Ҳар қандай тажрибали ўқитувчининг педагогик мулоқоти жараёнида ўзига хос қийинчиликлар юзага келади. Синфда содир бўладиган ҳар қандай педагогик вазиятга жавобгар шахс ўқитувчидир. Бу барча даврлар педагогик фаолиятида намоён бўладиган типик ҳодиса. Айниқса, ушбу ҳолат эндигина ўз фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида муаммоли вазиятларни пайдо қилади. Ёш ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан олиб борадиган таълим- тарбиявий фаолиятини доимий назорат қилиш, уларга тўғри йўналиш бериш, барча ўқув муассасалари педагогик жамоатчилигига, устоз ўқитувчилар зиммасига юклатилиши лозим. Педагогик фаолиятда хато ва камчиликларга йўл қўядиган ўқитувчининг ёшига ва иш тажрибаси қўламига одатда ўқувчилар ҳеч қачон эътибор бермайдилар. Чунки, ўқувчилар ёшидан ва тажрибасидан қатъий назар барча ўқитувчиларни устоз деб атайдилар. Ўзбекистонда таълим-тарбия ва педагогик мулоқотнинг ўзига хос анъаналари, миллийлигимизга мос шакл ва методлари мавжуд. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот жараёнида юз бериши мумкин бўлган турли зиддиятли вазиятларни тезда бартараф этиши учун, аввало, ўз иқтидорига, педагогик маҳоратига таяниши керак. Педагогик мулоқот асосида эришиладиган ютуқлар ўқитувчининг ижодий меҳнати маҳсулидир. Бу меҳнатнинг салбий ва ижобий томонлари бўлиши шубҳасиз. Фақат ҳар бир вазиятни оқилона баҳолаш, уни тўғри режалаштириш, тарбиявий жараёнларда ақл-идрок билан мулоқотни ташкил этишнинг ўзи кифоя. Ўқитувчи билан ўқувчининг мулоқотда бир-бирларини ўзаро тушунмасликлари, мулоқот воситаларининг қашшоқлиги, ҳар бир ўқувчининг руҳиятига қараб муомала қилинмаслиги, барчага бир хил мажбурий итоаткорлик муносабати, ўқувчиларни тор доирадаги интизомга чақирувчи эмоционал жиҳатдан салбий тус берилган буйруқ шаклидаги мулоқот доимий зиддиятларни келтириб чиқаради. Педагогик мулоқот усуллари устида ишлашнинг асосланган тизимини тузиш учун, ҳар бир ўқитувчи ўзининг муаммоларидан, йўл қўйилган камчиликларидан келиб чиқиб, қийинчиликларни таҳлил қилиш билан бартараф этиши лозим. Педагогик мулоқотга доир барча машқларнинг умумий йўналишини мавжуд педагогик вазиятларда малака ҳосил қилиш учун, ҳар бир мулоқот иштирокчиларининг имкониятларини очишга кўмаклашувчи унинг шахсий хислатларини ривожлантириб боришни таъминловчи воситалардан фойдаланиш таклиф қилинади. Мулоқотга баъзи ўқувчиларнинг субъектив қарашларини аниқлаш, шу ўқувчи билан мулоқотни оқилона ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларни белгилаш, унинг хулқини тузатиш ёки унда шунчаки ишонч кайфиятини яратиш керак. Ўқитувчи ўқувчининг ички дунёсини тушуниб, мулоқотга киришиши лозим.[5]

XXI аср бўсағасида анъанавий ахлоқ ўзгара бошлади, янги манфаатли ахлоқий меъёрлар пайдо бўлмоқда. Инсонлараро муносабатларда, кишиларнинг ўзаро мулоқот маданиятига ёндошув ҳам тобора замонавийлашиб бормоқда. Айтиш лозимки, маданият тушунчаларини таҳлил қилишда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ўзаро алоқадорликда бўлиши ва айни



ана шу жараёнда ўзининг такрорланмас хусусиятларини белгилаб олишни тақозо этади. Шу боис, маданият тушунчасига назар ташлашни мақсадга мувофиқ деб билдик.

«Муомала» тушунчасини шаклланиш тарихи қадимги Миср, қадимги Ҳиндистон ва асосан антик даврларга бориб тақалади. Антик даврларда шахслараро алоқалар умумфалсафий тизим сифатида мутафаккирларнинг қарашлари билан қўшилиб кетган эди. Хусусан, Демокрит фалсафани ўзига хос муомала санъати, яхши гапириш, яхши хулқ, яхши хатти-ҳаракатни ифодалаган ҳаёт санъати сифатида тушунган. Суқрот ва Афлотун эса фалсафани тенг ҳуқуқли мулоқот, ўзаро суҳбат, ўзини ва бошқаларни тушунишни ифодалаган суҳбат, ҳақиқатни англаш сифатида тушунишган. Арасту биринчи бўлиб, санъат, маданият тизимининг пайдо бўлишида асос бўлиб ҳисобланадиган «муомала» иборасини истеъмолга киритди.

Шу маънода муомала — инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда уларнинг ҳаёт фаолиятидаги эҳтиёжнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўзга кишилар билан маълумот алмашиш, уларни тушуниш ва идрок этишнинг ҳамкорликдаги стратегиясидир. Бу муаммонинг объекти — идеал руҳий воқелиқдир. Бу ерда гап инсон тафаккурининг ақлий, ҳиссий ва ихтиёрий пайдо бўлиши ҳамда унинг руҳиятини онг ости жараёнларида юзага келиши ҳақида кетаяпти. Унинг предмети эса инсонларнинг муомаласи ва фаолиятининг руҳий ва ахлоқий тарафи ҳамда турли хил вазифада фаолият юритувчи инсонлар гуруҳининг ўзига хос руҳий жараёнлари ҳисобланади.

Психолог олим Э.Ғозиев муомала тузилмаси тўғрисидаги тадқиқотларида муомаланинг қуйидагилардан таркиб топганлигини кўрсатади:

1. Коммуникатив (бир томонлама) ахборот узатиш.
2. Интерактив (икки томонлама ўзаро таъсир).
3. Перцептив (ўзаро бир-бирини идрок қилиш).

Жумладан, муомаланинг биринчи томонида - тилга ва унинг амалий ифодаси бўлмиш нутқ фаолиятига бевосита мурожаат қиладилар. Муомаланинг иккинчи томони - мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро таъсири, уларнинг нутқ фаолиятида нафақат сўз орқали фикр алмашинуви, балки хатти-ҳаракати ва хулқ-атвори билан ўзаро таъсир ўтказиш, таъсирланишдан иборат. Муомаланинг учинчи томонида – мулоқотга киришувчилар ўзаро бир-бирларини идрок қилиш жараёни намоён бўлади, инсонни инсон томонидан идрок қилиш юзага келади. Муомаланинг юқорида қайд этилган тузилмаларини алоҳида кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Коммуникатив (умумий бажараяпман, боғлаяпман, умумлаштираяпман). Бунда инсонлар ўзаро турли хил тасаввурлар, ҳикоялар, манфаатлар, кайфиятлар, туйғулар, йўналишлар ва ҳоказо муносабат орқали фикр алмашадилар. Инсоний мулоқот шароитида ахборот ва маълумотлар нафақат узатилади, балки шаклланади, аниқланади ва ривожланади ҳам. Бунда коммуникатив жараённинг ҳар бир аъзоси ўзи билан ҳамкорлик қилаётганнинг ҳам фаоллигини кўзлайди. Ҳамкор иштирокчи субъект сифатида қўйилади. Шу боис унга ахборот узатиш жараёнида манфаати, мақсади ва хоҳишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Лекин мулоқотнинг бу кўринишида қийинчиликлар юзага келиш, турли тўсиқлар пайдо бўлиш эҳтимолини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Интерактив - (ўзаро таъсир) мулоқот одамлар ўзаро таъсирланиши жараёнида нафақат ахборот алмашинувини, балки ҳаракатлар алмашинувини йўлга қўйиш, умумий фаолиятни режалаштириш ҳам муҳим саналади. Мулоқот шароитида англанадиган

жараёнларни фаоллаштиришда қарама-қарши фикрлар ва қаршиликларга дуч келиш натижасида пайдо бўладиган муаммоли ҳолатлар муҳим шароит бўлиб ҳисобланади. Қўшимча ахборот ва маълумотларга эҳтиёж кучайиб борадиган кўп томонлама уйғунлик юзага келади. Бу қўшимча фаолият қатнашчиларининг ўзаро таъсири тезлигини ошишига олиб келади.

Перцептивлик - (қабул қилиш) мулоқот жараёни қатнашчилари ўртасида бир-бирларини тушуниш ва бир-бирларига тушунтира олиш ғоятда муҳим. Бир-бирларини тушунишнинг ўзи турлича талқин этилиши мумкин: ҳамкорнинг хоҳиши, мақсадини тушуниш ва уларни мотивларини тўғри йўналтира билиш.

Мулоқот одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва ўзаро тушунишнинг мураккаб ижтимоий-психологик жараёни сифатида турли хил воситалар ёрдамида амалга оширилади. Жумладан, вербал мулоқот (белгили тизимлардан нутқда фойдаланиш) ва новербал мулоқот (турли хил нутқий белгили тизимлардан фойдаланиш)ни фарқлаш қабул қилинган.

Вербал мулоқот - бу табиий товуш нутқидир. Нутқ мулоқотнинг энг универсал воситаси ҳисобланади. У, айни пайтда ҳам, ахборот манбаи сифатида ҳамда суҳбатдошга таъсир этиш воситаси сифатида ҳам юзага келади. Айтиш мумкинки, нутқий мулоқот ўзига хос санъатдир.

НOVERBAL мулоқот воситаларига-оптико-кинетик (имо-ишора, мимика, пантомимо), паралингвистик (овоз, унинг диапазони, овоз тони), экстралингвистик (тўхтаб тин олиш, йўтал, йиғи, кулги, нутқ мароми), проксемика (мулоқотнинг макон ва замонда жойлашуви), визуал мулоқот (кўз билан алоқа қилиш), ҳидларни билиш каби воситалар киради. Бу воситалар мулоқотда катта ёрдамчи куч бўлиб нафақат вербал таъсирни кучайтириш ёки камайтириш мумкин, балки мулоқотнинг барча новербал мулоқот жараёнида иштирок этаётганнинг истак-хоҳиши сифатидаги муҳим жиҳатларни кўрсатишга ёрдам беради.[2]

Фикримизча ҳар бир ўқитувчи меҳнати давомида нафақат ўқувчи билан балки, бутун жамият вакиллари билан мулоқот қилишига тўғри келади. Келажак авлодни тарбиялашдек юксак масъулият зиммасида экан, шуни инобатга олган ҳолда мулоқот сирларини ўрганмаса, ширинсуханлик билан муомала қилмаса кўзлаган мақсадига эриша олмайди. Бунинг учун ҳар бир педагогнинг шахсий тажрибаси, кузатувлари, устозларнинг ўғити керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.А. Махсудова Мулоқот психологияси. Тошкент "Турон-Иқбол" нашриёти 2006 йил
2. В. Хусанов, В. Ғуломов Муомала маданияти. Тошкент 2009 йил
3. М. Ахмедова Педагогик конфликтология. Тошкент. "Адабиёт учқунлари" нашриёти 2016 йил
4. Н.Т. Омонов, Н.Х. Хўжаев, С.А. Мадиярова, Е. Ешчонов Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Тошкент. "Иқтисод-молия" нашриёти 2009 йил
5. А. Холиқов Педагогик маҳорат. Тошкент. "Иқтисод-молия" нашриёти. 2010 йил
6. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ. 1968.
7. Jabbor Usarov. (2019, June). Using Teaching Methods for Development Pupil Competencies. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(1), 272-274.
8. Jabbor Eshbekovich Usarov. (2017). Formation Competence at Pupils as the Factor of Increase of Education's Efficiency. Theoretical & Applied Science, 53(9), 79-82.

9. Mukhamedov Gafurdjan Isroilovich, & Usarov Djabbar Eshbekovich. (2020). Technologies for the Development of Competencies in Physics in General Secondary Education using Multimedia Resources. *International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering*, 9(3), 2677 - 2684.
10. Usarov Djabbar Eshkulovich, & Suyarov Kusharbay Tashbaevich. (2020). Developing Pupils' Learning and Research Skills on the Basis of Physical Experiments. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(02), 1337 -1346.
11. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Kodirov Ikrom Davronovich. (2020) "Problems of formation of learning motives in pupils", *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 5, no. 8, p. 6,
12. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Haydarova Surayyo Abdusalomovna. . (2020) "Defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution", *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 5, no. 8, p. 6.
13. USAROV J. E. INKLYUZIV TA'LIMNING NAZARIY VA KONTSEPTUAL MASALALARI //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. *SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*. – 2021. – Т. 1. – №. 02. – С. 37-46.
14. Usarov J.E. O'quvchilarning malakasini shakllantirish Ta'lim samaradorligini oshirish omili sifatida // *Nazariy va amaliy fan*. - 2017. - Т. 53. - №. 9. - S. 79-82.
15. Усаров, Жаббор Эшбекович. "ФОРМИРОВАНИЕ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ." *Theoretical & Applied Science* 9 (2017): 79-82.
16. Ravshanov, J. F. "Importance of classification of historical terms and concepts." (2020): 461-464.
17. Равшанов, Жамшид Файзуллаевич. "НЕКОТОРЫЕ МЕТОДЫ РАБОТЫ С ПОНЯТИЯМИ И ТЕРМИНАМИ НА УРОКАХ ИСТОРИИ." *Science and Education 1.Special Issue 4* (2020).
18. Ravshanov J. F. The importance of working with terms and concepts in teaching history. – 2020.
19. Ravshanov J. F. Some methods of working with historical concepts in history lessons //Международная научно-рецензируемая онлайн конференция «Современная психология и педагогика: проблемы, анализ и результаты. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 439-443.
20. Абдухамидов С. М. и др. РОЛЬ НАРОДНОГО ПРИКЛАДНОГО ИСКУССТВА В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЁЖИ //INTERNATIONAL INNOVATION RESEARCH. – 2017. – С. 374-376.

Ахборот ресурслар:

6.зиёнет.ком

7.тдпу.уз

8.твчдпи.уз

9.китобхон.ком

10.ҳозир.орг